O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Majburiy bepul nusxa




# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 23 декабрь, № 246 (5161) Пайшанба


Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Риэлторлик фаолияти тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 23 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2010 йил 3 декабрда маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади риэлторлик фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Риэлторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Риэлторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг риэлторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Риэлторлик фаолияти**

Риэлторлик фаолияти юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимлар тузиш билан боғлиқ хизматларни шартнома асосида кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолиятидир.

Риэлторлик фаолияти риэлторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органи томонидан бериладиган риэлторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) асосида амалга оширилади. Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**4-модда. Риэлторлик ташкилоти**

Риэлторлик ташкилоти лицензияга эга бўлган тижорат ташкилотидир.

Риэлторлик ташкилоти қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши ва ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Риэлторлик ташкилоти штатида риэлторнинг малака сертификатига (бундан буён матнда малака сертификати деб юритилади) эга бўлган камида икки нафар ходим, шу жумладан риэлторлик ташкилотининг раҳбари бўлиши керак.

Риэлторлик ташкилотига унинг раҳбари аризасига кўра бир ёки бир неча турдаги риэлторлик хизматлари кўрсатиш учун лицензия берилиши мумкин.

Риэлторлик ташкилоти риэлторлик фаолиятидан ташқари бошқа фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқига эга эмас.

Риэлторлик ташкилоти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ташкил этилиши мумкин эмас.

Риэлторлик ташкилоти ўз фаолиятини ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш полиси мавжуд бўлган тақдирда амалга оширади.

**5-модда. Риэлтор**

Риэлтор малака сертификатига ва лицензияга эга бўлган, якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахсдир.

Риэлторга лицензия кўчмас мулк бозорида фақат ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш учун берилади.

Риэлтор ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш полисига эга бўлиши керак.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222–II-сонли Қарорининг 1-иловасига қўшимча киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 23 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2010 йил 3 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган **«Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»**ги 222–II-сонли Қарорига **1-илова** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 6–7, 105-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 323-модда, № 9, 416-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 335, 341-моддалар) қуйидаги мазмундаги **етмиш тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Риэлторлик фаолияти».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 22 декабрь
№ ЎРҚ—270

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 19 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2010 йил 4 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда) **177-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилаётган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни очишга фаол ёрдам берган шахс жавобгарликка тортилмайди».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 22 декабрь
№ ЎРҚ—271

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2010 йил 3 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган **«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»**ги 938–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4–5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4–5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Пенсия тайинлаш учун (7-модда) етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар ушбу Қонун 37-моддаси биринчи қисмининг «а», «б», «в» ва «г» бандларида назарда тутилган камида 5 йил иш стажи мавжуд бўлган тақдирда, бор стажга мутаносиб миқдорда (29-модда) тайинланади»;

2) **9-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига уруш ногиронлари, болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари, лилипутлар ва паканалар ҳам эга»;

3) **12-модданинг**:

**«в», «г», «д», «е» ва «ж» бандлари** чиқариб ташлансин;

**«з» банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«з) болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари уларни саккиз ёшгача тарбиялаган бўлса — иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда. Башарти, аёл ўгай ўғил ва ўгай қизни улар 8 ёшга тўлгунига қадар камида 5 йил тарбиялаган бўлса, пенсия тайинлашда улар ҳақиқий фарзандлар билан тенг равишда ҳисобга олинади»;

**«и» банди** чиқариб ташлансин;

**«к» ва «л» бандлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«к) ногирон болалар учун ихтисослашган таълим муассасалари, «Меҳрибонлик» уйлари, ҳарбий академик лицейлар, тарбия колониялари ўқитувчилари — махсус иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхат, VII қисм);

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА ФУҚАРОЛАРНИ НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВ ҲАМДА МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2011 йилнинг февраль — март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар 2011 йилнинг март — апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М. Атаев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 22 декабрь

**2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили**



## ФАОЛЛИК ВА ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

***Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли иқтисодиётимиз йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Табиийки, бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши салмоқли бўлаётир.***

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида мазкур соҳа вакиллари фаолиятига юксак баҳо бериб, 2011 йилни "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилди. Бу — соҳада келгусида бундан-да улкан муваффақиятлар қўлга киритилишига даъватдир.

Янгибозор туманидаги "Элинза" хусусий корхонаси фаолиятига назар ташласак, кичик бизнес иқтисодиётимизнинг муҳим тармоғига айланиб бораётганига яна бир карра амин бўламиз.

Ушбу корхона фаолият бошлаган дастлабки кезларда, яъни 1998 йилда бу ерда 3 киши меҳнат қилган бўлса, айни пайтда ишчилар сони 20 нафарга етган. Ҳозир улар томонидан 89 турдаги тиббиёт мебеллари ва анжомлари ишлаб чиқарилади.

Айтиш жоизки, хорижнинг илғор фирмаларидан келтирилган замонавий технологиялар билан жиҳозланган мазкур корхонада ишлаб чиқариш ҳажми тобора ортиб бормоқда. Жорий йилнинг 11 ойида 480 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, улар вилоят тиббиёт муассасаларидан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларига етказиб берилди.

Шу кунларда корхона жамоаси оҳак ва рубероид ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш тадоригида. Бунинг учун 36 миллион сўмлик замонавий технологик линия харид қилинди. Бу корхонада келгуси йилда яна 14 турда мебель, шу жумладан, 6 турда спорт жиҳозлари ишлаб чиқариш имкони яратилади, ўнлаб кишилар доимий иш билан таъминланади, деганидир.

**О.РАҲИМОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

**СУРАТДА:** корхона ишчилари Тўлқин Болтаев ва Хурсанд Собиров иш устида.

**Ҳ. ПАЙДОЕВ**
***олган сурат.***

## ЎЗБЕКИСТОНДА БАЙРАМ ШУКУҲИ ҲУКМРОН

***Мамлакатимизда Янги йил айёмини кўтаринки руҳда ўтказиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Байрам арафасида пойтахтимиз майдонларида, боғларида ва кўчаларида кўплаб сайёҳларни учратиш мумкин. ЎзА мухбири улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.***

**Дунё нигоҳи**

**Вейшенг НЯНЬ (Хитой):**

— Дунёнинг кўплаб мамлакатларига саёҳат қилганман. Лекин ҳеч бири мени Ўзбекистондек ҳайратлантирмаган. Юртингизга саёҳатимни Тошкентдан бошлаганимдан хурсандман. Қисқа вақтда Тошкент менга қадрдон бўлиб қолди. Чунки пойтахтингизнинг файзли кўчалари, боғ-хиёбонлари, замонавий бинолари ҳар бир сайёҳ эътиборини жалб этиши, шубҳасиз.

Дўконлардаги миллий ва замонавий либослар, хилма-хил ҳунармандлик буюмлари мени лол қолдирди. У ердан ҳар бир сайёҳ ўзи истаган ва дидига мос буюмни топиши аниқ. Онам учун адрас ва атлас харид қилдим.

Саёҳатим Янги йил байрами арафасига тўғри келганидан жуда мамнунман. Юртингиз байрам арафасида янада гўзал ва мафтункор диёрга айланибди. Мазкур байрамни Ўзбекистонда кутиб олаётганимдан бағоят хурсандман. Чет эллик меҳмонларнинг, сайёҳларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун юртингизда барча шароит муҳайё. Бу заминда кутиб олажак янги йилимиз унутилмас таассуротлар қолдириши, шубҳасиз.

**Ли Син МАН (Жанубий Корея):**

— Мен ўттиз йилдан буён антропология соҳасида фаолият юритаман. Ўзбекистоннинг бой тарихини чуқур ўрганишга ҳаракат қиляпман. Ўзбек халқининг урф-одатларини, асрлар оша сайқалланиб келаётган миллий қадрият ва анъаналарини ҳар қанча ўрганса, арзийди. Мамлакатингизда миллий ва маънавий қадриятларни тиклаш, чуқур ўрганиш, ривожлантириш ва тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётир.

Ўзбекистон тарихи давлат музейидаги экспонатларни ҳайрат билан томоша қилдим. Бундай қадимий тарих, бой мерос ҳамма халқларга ҳам насиб этмаган.

(Давоми 3-бетда).

### Қисқа сатрларда

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

**• НАВОИЙ вилоятидаги 41 қўшма корхона томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 235 миллиард 560,1 миллион сўмлик хизматлар кўрсатилиб, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар тайёрланди.**

• ЯНГИЕР шаҳридаги "Янхов баликчи" хусусий корхонаси ўз фаолиятини кенгайтирди. Банкнинг 30 миллион сўмлик кредити эвазига қўшимча 5 та иш ўрни яратилган мазкур корхонада жорий йил охирига қадар 14 тонна парҳез гўшт тайёрланиши режалаштирилмоқда.

**• "ҚЎҚОН ёғ-мой" очиқ акциядорлик жамиятида ўсимлик ёғини қадоқлайдиган янги технологик линия ишга туширилди. Ушбу мақсадлар учун 170 миллион сўм сарфланди.**

• ҚЎРҒОНТЕПАлик тадбиркор Санжарбек Қобулов банкнинг 30 миллион сўмлик кредитига таяниб, полиэтилен қувурлар ҳамда томёпқичлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Айни пайтда 10 киши меҳнат қилаётган корхона жамоаси ички бозорга 20 миллион сўмликка яқин дастлабки маҳсулотини чиқарди.

**• ПЕШКУ туманидаги "Чибағони" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида тадбиркорлар Хайри Абдуллаев ва Муҳаммад Худойбердиев томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш мажмуалари қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

**300 миллион сўмдан ортиқ маблағ эвазига бунёд этилган ҳар иккала мажмуада турли маросимлар ва тадбирларни ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилган.**

• ХИВА туманилик тадбиркор Азамат Ибодуллаев лойиҳа қиймати 50 миллион сўмлик сутни қайта ишлаш корхонасини фойдаланишга топширди. Ҳозир бу ерда минитехнологиялар ёрдамида кунига бир тоннагача сут ва сут маҳсулотлари тайёрланмоқда.

***«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.***

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Янгилик: АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМНИНГ ЛОКАЛ ТАРМОҒИ**

***2010 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимиз бўйича***

**380** **та хўжалик юритувчи субъектда автоматлаштирилган тизимнинг локал тармоғи ишга туширилди.**

Ушбу дастурнинг амалга оширилиши, ўз навбатида, жойларда электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олиш ишларини яхшилаш билан бирга, қувватларни тежаш имконини берди.

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Риэлторлик фаолияти тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

**6-модда. Риэлторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органи**

Риэлторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Риэлторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органи:

риэлторлик ташкилотлари ва риэлторларга лицензияни беради, қайта расмийлаштиради;

риэлторлик ташкилотлари ва риэлторлар томонидан лицензия талаблари ҳамда шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туради, лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида ёки тугатиш ҳамда лицензияни бекор қилиш ҳақида судга мурожаат қилади;

лицензияни бериш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, тугатиш ва лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади;

риэлторлик ташкилотининг ходимларига, шу жумладан раҳбарига ва малака сертификатини олиш учун даъвогарларга малака талабларини белгилайди;

малака сертификатини беради, унинг амал қилишини тугатади ва уни бекор қилади;

риэлторлик ташкилотлари ва риэлторларнинг реестрини юритади.

Риэлторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**7-модда. Малака сертификатининг амал қилишини тугатиш**

Малака сертификатининг амал қилишини тугатиш учун қуйидагилар асос бўлади:

малака сертификатига эга бўлган шахснинг аризаси;

риэлтор томонидан риэлторлик хизматлари кўрсатиш давомида олинган маълумотлар буюртмачининг ёзма рухсатисиз учинчи шахсларга тақдим этилганлиги;

риэлторлик фаолиятини амалга оширишда бир йил ичида икки мартадан кўп қонун ҳужжатларини бузиш содир этилганлиги;

малака сертификатини риэлторлик фаолиятида фойдаланиш мақсадида бошқа жисмоний шахсга берилганлиги фактининг аниқланганлиги;

муайян мансабни эгаллаш ёки хўжалик соҳасида муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзидаги жазони назарда тутувчи суд ҳукмининг қонуний кучга кирганлиги;

фуқарони белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги суд қарорининг қонуний кучга кирганлиги.

Малака сертификатининг амал қилиши уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан тугатилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг учинчи — бешинчи хатбошиларида назарда тутилган асослар бўйича малака сертификатининг амал қилиши тугатилган шахс малака сертификатининг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч йил ичида риэлторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органига малака сертификати олиш учун ариза билан мурожаат қилишга ҳақли эмас.

Риэлторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органининг малака сертификатининг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

**8-модда. Малака сертификатини бекор қилиш**

Малака сертификатини бекор қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:

риэлторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органининг малака сертификатини бериш тўғрисидаги қарорининг ноқонунийлиги аниқланганлиги;

малака сертификатининг сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганлиги.

Малака сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги қарор малака сертификати берилган санадан эътиборан амал қилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисида назарда тутилган асос бўйича малака сертификати бекор қилинган шахс малака сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч йил ичида риэлторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органига малака сертификати олиш учун ариза билан мурожаат қилишга ҳақли эмас.

Риэлторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органининг малака сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

**2-боб. Риэлторлик хизматларининг турлари ва уларни кўрсатиш тартиби**

**9-модда. Риэлторлик хизматларининг турлари**

Риэлторлик фаолияти қуйидаги турлардаги риэлторлик хизматларини кўрсатиш орқали амалга оширилади:

кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғидаги воситачилик;

кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш;

кўчмас мулк объектларини ишончли бошқариш;

кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари.

**10-модда. Кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғидаги воситачилик**

Кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғидаги воситачилик (кўчмас мулкнинг олди-сотдиси, ижараси, гарови, айирбошланиши, ҳадя этилиши, рентаси, кўчмас мулкдан текин фойдаланилиши ва умрбод таъминлаш шарти билан уй-жойни (квартирани) бошқа шахсга бериш билан боғлиқ ҳаракатлар) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда буюртмачи билан тузилган риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномаси асосида риэлторлик ташкилоти томонидан амалга оширилади. Бунда риэлторлик ташкилоти мазкур битимларнинг бевосита тарафи бўлиши мумкин эмас.

Кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғидаги воситачилик буюртмачини ушбу Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ ахборот билан таъминлашни ўз ичига олади.

**11-модда. Кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш**

Кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда буюртмачи билан тузилган риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномаси асосида риэлторлик ташкилоти томонидан амалга оширилади.

Кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш савдони ўтказиш тўғрисидаги ва унинг якунлари ҳақидаги хабарномаларни тайёрлаш ҳамда эълон қилишни, савдога қўйилаётган кўчмас мулк объектларини реклама қилишни, савдода иштирок этиш учун буюртманомаларни қабул қилиш ва ҳисобга олишни, закалат тўғрисида келишувлар тузишни, савдони ўтказишни, ўтказилган савдо якунларига доир баённомани расмийлаштиришни, сотувчилар ва сотиб олувчилар ўртасидаги ҳисоб-китоб учун шарт-шароитлар яратишни ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа хизматларни ўз ичига олади.

**12-модда. Кўчмас мулк объектларини ишончли бошқариш**

Кўчмас мулк объектларини ишончли бошқариш бўйича фаолият риэлторлик ташкилотига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилган кўчмас мулк объектларини ишончли бошқариш шартномаси асосида берилган кўчмас мулк объектларини риэлторлик ташкилоти томонидан ўз номидан ҳақ эвазига муайян муддат давомида бошқарув муассисининг ёки у кўрсатган шахснинг (фойда олувчининг) манфаатларини кўзлаб бошқаришнинг амалга оширилишидир. Кўчмас мулк объектларини ишончли бошқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

**13-модда. Кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари**

Кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда буюртмачи билан тузилган риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномаси асосида риэлторлик ташкилоти ёки риэлтор томонидан кўрсатилади.

Кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари буюртмачини кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги, кўчмас мулк бозори ва унинг иштирокчилари ҳолатини таҳлил этиш ҳамда прогноз қилиш ҳақидаги, мазкур бозорнинг конъюнктураси, кўчмас мулк бозори соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги ахборот билан таъминлашни, шунингдек кўчмас мулк объектлари рекламасининг тарқатилишини ташкил этишни, битим тарафларини танлаш бўйича тавсияларни ўз ичига олади.

**3-боб. Риэлторлик ташкилотлари, риэлторлар ҳамда буюртмачиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

**14-модда. Риэлторлик ташкилоти ва риэлторнинг ҳуқуқлари**

Риэлторлик ташкилоти ва риэлтор қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколати доирасида риэлторлик хизматлари кўрсатиш;

ўз риэлторлик хизматларини ва буюртмачининг кўчмас мулк объектларини реклама қилиш;

риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномаси шартлари буюртмачи томонидан бажарилмаган тақдирда шартноманинг бекор қилинишини талаб этиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан риэлторлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур ахборотни белгиланган тартибда олиш.

Риэлторлик ташкилоти ва риэлтор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**15-модда. Риэлторлик ташкилоти ва риэлторнинг мажбуриятлари**

Риэлторлик ташкилоти ва риэлтор:

буюртмачининг талабига биноан лицензияни ва малака сертификатини кўрсатиши;

ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиши;

буюртмачига риэлторлик хизматларини фақат риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномаси асосида кўрсатиши;

риэлторлик хизматлари кўрсатиш чоғида буюртмачининг манфаатларини ифодалаши;

риэлторлик хизматлари кўрсатиш давомида олинган махфий ахборотни ошкор этмаслиги, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

буюртмачидан олинган ҳужжатларнинг бут сақланишини таъминлаши;

буюртмачига кўчмас мулк объектига, унга бўлган ҳуқуқларга тааллуқли ишончли ва тўлиқ ахборотни, шунингдек кўчмас мулк объектининг мулкдори (ҳуқуқ эгаси) ҳақидаги ушбу Қонунда назарда тутилган ахборотни тақдим этиши;

буюртмачини кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган ахборот билан таъминлаши;

буюртмачининг ёзма мурожаатларига ёзма шаклда жавоб бериши;

бажарилган риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномалари бўйича архив материалларини шакллантириши ва уларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган муддат мобайнида сақлаши шарт.

Риэлторлик ташкилоти ва риэлторнинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**16-модда. Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

риэлторлик ташкилоти ёки риэлтордан лицензия, шунингдек малака сертификати кўрсатилишини талаб қилиш;

риэлторлик ташкилоти ёки риэлтордан риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномаси бажарилишининг бориши ҳақида ахборот олиш;

риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномаси шартлари риэлторлик ташкилоти ёки риэлтор томонидан бажарилмаган тақдирда шартноманинг бекор қилинишини талаб этиш;

риэлторлик ташкилоти ёки риэлторнинг айби билан риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномасининг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарнинг ўрни қопланишини ва маънавий зиённинг компенсация қилинишини талаб қилиш;

кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир тузилиши мўлжалланаётган битимнинг хусусияти ҳамда ҳуқуқий оқибатлари тўғрисида риэлторлик ташкилоти ёки риэлтордан ёзма шаклда ахборот олиш;

ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда риэлторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органига, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотларга, риэлторлик ташкилотлари ва риэлторларнинг бирлашмаларига, шунингдек судга мурожаат қилиш.

Буюртмачи:

риэлторлик ташкилоти ёки риэлторнинг риэлторлик хизматлари ҳақини тузилган риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномаси шартларига мувофиқ ўз вақтида тўлаши;

битим предмети бўлган кўчмас мулк объекти, унга бўлган ҳуқуқлар ҳақидаги, ўзи ва бошқа ҳуқуқ эгалари тўғрисидаги ишончли ҳамда тўлиқ маълумотлар ва ҳужжатларни риэлторлик ташкилотига ёки риэлторга тақдим этиши шарт.

Буюртмачи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар бўлиши мумкин.

**4-боб. Риэлторлик фаолиятини ахборот билан таъминлаш**

**17-модда. Риэлторлик ташкилотига ва риэлторга ахборот тақдим этиш шартлари**

Риэлторлик ташкилоти ёки риэлтордан буюртмачи билан тузилган риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномасининг кўчирма нусхаси илова қилинган ҳолда ёзма сўров олинган тақдирда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ушбу Қонуннинг 18-моддасида кўрсатилган ахборотни белгиланган тартибда тақдим этади.

**18-модда. Риэлторлик ташкилотига ва риэлторга тақдим этиладиган ахборот**

Риэлторлик ташкилотига қуйидаги органлар ва ташкилотлар томонидан ахборот тақдим этилади:

юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлар томонидан — юридик шахсларнинг давлат реестрига киритилган маълумотлар ҳажмида;

кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлар томонидан — кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрига ва кўчмас мулк ҳақидаги очиқ фойдаланиш мумкин бўлган бошқа маълумотлар базаларига киритилган маълумотлар ҳажмида;

давлат солиқ хизмати органлари томонидан — битим предмети бўлган кўчмас мулк объекти бўйича солиқларни тўлаш юзасидан қарз мавжуд эмаслиги ҳақида;

ички ишлар органлари томонидан — битим предмети бўлган кўчмас мулк объекти манзили бўйича фуқаролар қайд этилганлиги ҳақида;

давлат нотариал идоралари томонидан — битим предмети бўлган кўчмас мулк объектини бошқа шахсга ўтказишнинг тақиқланмаганлиги ва мазкур кўчмас мулк объектининг хатланмаганлиги тўғрисида;

коммунал хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар томонидан — битим предмети бўлган кўчмас мулк объекти бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш юзасидан қарз мавжуд эмаслиги ҳақида;

хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари томонидан — битим предмети бўлган кўчмас мулк объекти бўйича умумий мол-мулкни сақлаш учун мажбурий бадалларни тўлаш юзасидан қарз мавжуд эмаслиги ҳақида;

туман (шаҳар) бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари, соғлиқни сақлаш муассасалари ва халқ таълими бўлимлари томонидан — фуқароларнинг айрим тоифаларига мансуб шахснинг (вояга етмаганлар ва белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган бошқа шахслар, ногиронлар, пенсионерлар ва бошқаларнинг) муомала лаёқатини аниқлаш учун зарур бўлган маълумотлар ҳажмида;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан — битим предмети бўлган кўчмас мулк объектига нисбатан ҳуқуққа эга бўлган шахслар томонидан никоҳнинг тузилганлиги ёки бекор қилинганлиги тўғрисида ёхуд уларнинг туғилганлиги ёки ўлими тўғрисида далолатнома ёзувининг мавжудлиги ёхуд мавжуд эмаслиги ҳақида.

Риэлторга фақат ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган ахборот тақдим этилади.

Риэлторлик ташкилотига ва риэлторга қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан ҳам ахборот тақдим этилиши мумкин.

**19-модда. Мансабдор шахснинг ахборот тақдим этишни рад этганлиги устидан шикоят қилиш**

Давлат органи ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсининг ушбу Қонуннинг 17 ва 18-моддаларига мувофиқ сўралаётган ахборотни риэлторлик ташкилотига ва риэлторга тақдим этишни рад этганлиги устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга ёхуд судга бевосита шикоят қилиниши мумкин.

**5-боб. Риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномаси**

**20-модда. Риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномасига тааллуқли мажбурий талаблар**

Риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномаси риэлторлик ташкилоти ёки риэлтор томонидан буюртмачи билан ёзма шаклда тузилади.

Риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномаси қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

риэлторлик хизматларининг мазмуни;

риэлторлик хизматлари кўрсатиш муддатлари;

кўрсатилган риэлторлик хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори, шартлари ва муддатлари;

риэлторлик ташкилоти ёки риэлтор ҳамда буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

тарафларнинг шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ҳамда учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузганлиги учун жавобгарлиги;

шартномани бекор қилиш тартиби ва шартлари;

шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда маблағларни қайтариш тартиби;

риэлторлик ташкилотида ёки риэлторда лицензиянинг мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар унинг тартиб (рўйхатдан ўтказилганлик) рақами ва берилган санаси кўрсатилган ҳолда;

риэлторлик ташкилотида ёки риэлторда ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш полисининг мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар.

Риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

**21-модда. Риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномасининг бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар**

Риэлторлик ташкилоти ёки риэлтор риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномаси бажарилганлигини тасдиқловчи риэлторлик ташкилотининг раҳбари ёки риэлтор ва буюртмачи томонидан имзоланадиган далолатнома (ҳужжат) тузади. Бунда риэлторлик ташкилоти ёки риэлтор кўрсатилган риэлторлик хизматларига бевосита тааллуқли бўлган барча ҳужжатларни буюртмачига топширади.

**22-модда. Бир нечта буюртмачига риэлторлик хизматлари кўрсатиш**

Риэлторлик ташкилоти ёки риэлтор айни бир кўчмас мулк объекти ва унга бўлган ҳуқуқлар бўйича бир вақтнинг ўзида бир нечта буюртмачига риэлторлик хизматларини кўрсатишга ҳақли. Бунда риэлторлик хизматларини кўрсатиш шартлари барча буюртмачилар учун бир хил бўлиши керак.

Риэлторлик ташкилоти ёки риэлтор барча буюртмачиларга кўчмас мулк объекти ва учинчи шахсларнинг унга бўлган ҳуқуқлари ҳақидаги маълумотларни маълум қилиши шарт.

**23-модда. Учинчи шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш**

Риэлторлик ташкилоти ёки риэлтор ва буюртмачи битим предмети бўлган кўчмас мулк объектига нисбатан ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг розилигисиз риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномасини тузишга ҳақли эмас.

Агар риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномасини бажариш давомида ёки натижасида учинчи шахсларга мулкий ва (ёки) маънавий зиён етказилган бўлса, риэлторлик ташкилоти ёки риэлтор ва буюртмачи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплайди ҳамда маънавий зиён учун компенсация тўлайди.

Битим предмети бўлган кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқлари бузилган шахслар, шу жумладан вояга етмаганларнинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилувчи қонуний вакиллари судга мурожаат этишга ҳақли.

**6-боб. Якунловчи қоидалар**

**24-модда. Риэлторлик ташкилотлари ва риэлторларнинг бирлашмалари**

Риэлторлик ташкилотлари ва риэлторлар умумий манфаатларни ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда риэлторлик ташкилотлари ва риэлторларнинг бирлашмаларини ташкил этиш ҳуқуқига эга.

**25-модда. Низоларни ҳал этиш**

Риэлторлик фаолияти соҳасида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**26-модда. Риэлторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Риэлторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**27-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**28-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 22 декабрь
№ ЎРҚ—269

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Боши 1-бетда).

л) ихтисослашган тиббий муассасаларнинг шифокорлари ва ўрта тиббий ходимлари — махсус иш стажи қишлоқ жойда камида 25 йил ва шаҳарларда камида 30 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхат, VIII қисм)»;

4) **15-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ногиронлик пенсиялари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда I ва II гуруҳ ногиронлари деб топилган шахсларга тайинланади»;

5) **18-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**18-модда. Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсия**

Пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган (17-модда) умумий касаллик оқибатидаги I ва II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсияси бор стажга мутаносиб миқдорда (29-модда) тайинланади»;

6) **22-модданинг матнидаги** «тўлиқ» деган сўз чиқариб ташлансин;

7) **26-модданинг**:

**«а» бандидаги** «тўлиқ» деган сўз чиқариб ташлансин;

**«в» банди** чиқариб ташлансин;

8) **27-модда биринчи қисмининг**:

**биринчи хатбошисидаги** «Тўлиқ пенсия» деган сўзлар «Пенсия» деган сўз билан алмаштирилсин;

**«в» банди** чиқариб ташлансин;

9) **28-модданинг «в» банди** чиқариб ташлансин;

10) **29-модда иккинчи қисмининг**:

**бешинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**олтинчи** ва **еттинчи хатбошилари** тегишинча **бешинчи** ва **олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

11) **30-модданинг иккинчи қисмидаги** «а», «б» ёки «в» бандларида» деган сўзлар «а» ёки «б» бандларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **37-модда**:

**биринчи қисмининг**:

**«е»** ва **«ж» бандлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«е) олий таълим муассасаларида, аспирантурада, докторантурада ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан чет элда ўқиш;

ж) бола 3 ёшга тўлгунча болани парваришлаш таътилларида бўлиш вақти, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 3 йил»;

**«и»** ва **«к» бандлари** чиқариб ташлансин;

**иккинчи** ва **учинчи қисмларидаги** «е» — «к» бандларда» деган сўзлар «е» — «з» бандларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **49-модда биринчи қисмининг**:

**олтинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**еттинчи хатбошиси олтинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

14) **50-модда** чиқариб ташлансин;

15) **66-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотлар:

боқувчисини йўқотганлик учун, шунингдек ходимнинг меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майибланганлиги ёки касб касаллигига учраганлиги оқибатидаги ногиронлик учун;

ходим ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёшига тўлгунига қадар мазкур Қонун 12-моддасининг «б» бандига мувофиқ тайинланган пенсияларни тўлаш харажатларининг ўрнини қопловчи пулни иш ҳақи тўлашга мўлжалланган маблағлар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 112, 124-моддалар, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 12, 470, 471-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **100-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **7-банд** билан тўлдирилсин:

«7) ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда»;

2) **102-модда биринчи қисмининг 1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) меҳнат шартномаси технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан (100-модда иккинчи қисмининг 1-банди), шунингдек ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги муносабати билан, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлган тақдирда (100-модда иккинчи қисмининг 7-банди) бекор қилинганда камида икки ой олдин»;

3) **104-модданинг биринчи қисмидаги** «(100-модда иккинчи қисмининг 1, 2, 5 ва 6-бандлари)» деган сўзлар «(100-модда иккинчи қисмининг 1, 2, 5, 6 ва 7-бандлари)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **234-модданинг бешинчи қисми** «меҳнат стажига» деган сўзлардан кейин «лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан уч йил» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **290-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ногиронлик пенсияси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда I ва II гуруҳ ногиронлари деб топилган, суғурта қилинган ходимларга:

меҳнатда майиб бўлганлиги ёки касб касаллигига чалинганлиги туфайли — меҳнат фаолиятининг муддатидан қатъи назар;

бошқа сабаблар туфайли — муддати суғурта қилинган ходимнинг ногиронлик рўй берган вақтдаги ёшига боғлиқ тегишли умумий меҳнат стажига эга бўлган тақдирда тайинланади».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун 2011 йилнинг 1 январидан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 1-моддаси 15-бандининг қоидалари 2016 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 22 декабрь
№ ЎРҚ—272

# ЁШ ПОЛВОНЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

***Ўзбек кураши бўйича йилнинг сўнгги мусобақаси — ёшлар ўртасидаги VI жаҳон чемпионатига Ҳиндистон пойтахти Деҳли шаҳри мезбонлик қилди.***

Бу галги беллашувларда дунёнинг қирқдан зиёд мамлакатидан келган 400 нафарга яқин полвонлар иштирок этди.

Муҳими, нуфузли мусобақада юртдошларимиз совринли ўринларга даъвогарлик қилишди. Жумладан, 100 килограмм вазнда гиламга чиққан ёш полвонимиз Шуҳрат Тўрабоевнинг ҳаракатлари кўпчиликка манзур бўлди. У финалда эронлик Жавод Маҳжоубни саноқли сонияларда енгиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. 66 килограмм вазн тоифасидаги курашчилар ўртасида эса Шаҳбоз Саидмуродов олтин медални қўлга киритди. Курашчиларимиздан Малик Жўраев, Рифат Шаропов ва Ўрол Тўраев ўз вазн тоифаларида бронза медаллари соҳиби бўлишди.

**Хушхабар**

Қизлар ўртасидаги баҳслар ҳам муросасиз кечди. Унда терма жамоамиз аъзоларидан Хуршида Чориева ва Дилфуза Темирова кумуш, Феруза Султонова, Дилдора Мелиқулова, Гулҳаё Пармонова, Дилдора Ҳалимова ҳамда Нодира Ҳамроева бронза медаллари билан тақдирландилар.

Ёшлар ўртасида ташкил этилган навбатдаги жаҳон чемпионати ўзбек курашининг жаҳон миқёсида жадаллик билан оммалашиб бораётганини яна бир бор тасдиқлади. Чемпионатда Польша, Греция, Эрон, Мўғулистон, Ҳиндистон мамлакатлари полвонларининг совриндорлар сафидан жой олганлиги ҳам бу фикрни исботлайди.

Мусобақа доирасида Кураш Халқаро ассоциациясининг навбатдаги Конгресси ва Ижроқўм йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Унда курашни дунё бўйича янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, йиғилишда катталар ўртасидаги жаҳон чемпионати 2011 йили Жанубий Африка Республикасида, ёшлар ўртасидаги мусобақа эса 2012 йили Туркия давлатида ўтказилиши маълум қилинди.

**З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

**Кўргазма**

## Қишлоқ манзаралари

***...Олисдан элас-элас кўзга ташланиб турган ўтов, қир-адирларда ўрлаб юрган қўй-қўзилар, бобомерос таёғига суяниб уфқларга термилиб турган чўпон йигит.***

Нодир Норматовнинг Тошкент Фотосуратлар уйида очилган "Қишлоқ томон йўл" фотокўргазмасини томоша қиларкансиз, беихтиёр юқорида тасвирланган қишлоқ манзаралари, содда ва самимий инсонлар, жамалаксоч қизалоқлару варрак ўйнаётган болакайлар кўз олдингизда жонлангандай бўлади.

Кўргазмадан фоторассомнинг олтмишга яқин энг сара асарлари ўрин олган. Ушбу асарларда қишлоқ одамлари турмуш тарзи орқали Ватан равнақи, янгиликка интилиб яшаётган фидойи юртдошларимиз ҳаёти ёрқин бўёқларда акс эттирилган.

**Сунъат АСТАНОВ.**

# ТОМОШАБИНЛАР МАМНУН

## Бухорода театр санъати ҳафталиги бўлиб ўтди.

***Садриддин Айний номидаги Бухоро вилояти мусиқали драма театрининг янги биноси бир неча кун давомида санъат ихлосмандлари билан гавжум бўлди. Бу ерда театр санъати ҳафталиги бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган ҳафталикда мамлакатимиз пойтахтида фаолият кўрсатаётган кўплаб театр жамоалари ўзларининг энг сара асарлари билан иштирок этдилар. Хусусан, Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театрининг "Матонат" драмаси, Ўзбек миллий академик драма театрининг "Уйқусиз кечалар", Ўзбек давлат драма театрининг "Фидойилар", республика Ёш томошабинлар театрининг "Ҳалоллик истаб келдим" деб номланган спектакллари бугунги кун қаҳрамонларининг баркамол образини яратиш йўлидаги изланишлар самараси сифатида мухлислар

**Театр**

ва соҳа мутахассисларида катта таассурот қолдирди. Муҳими, замондошларимиз ҳаётидан ҳикоя қилувчи бу саҳна асарлари томошабинларни бефарқ қолдирмайди. Уларни ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайди.

— Қадимий ва навқирон шаҳримиз бир неча кун давомида санъат байрами оғушида бўлди, — дейди вилоят мусиқали драма театри директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шамсиддин Йўллиев.

— Аввало, театримиз учун шундай муҳташам бинонинг қуриб берилиши, Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган Бухоро маданий марказида амалга оширилаётган улкан ободончилик ишлари ҳамда шаҳримизда театр санъати ҳафталигининг ўтказилиши маданиятимиз равнақига хизмат қилади, албатта. Биз ҳафталик давомида республикамизнинг таниқли актёр ва режиссёрлари билан мулоқотга киришиб, ижодий ҳамкорлик йўналишларини белгилаб олдик, ўзаро тажриба алмашдик.

Театр санъати ҳафталиги давомида пойтахтлик санъаткорлар иштирокида маданий-маърифий ва ижодий учрашувлар ҳам ўтказилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


«ДЎСТЛИК» ОРДЕНЛИ НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

*меҳнат жамоаси*

*Ўзбекистон Республикасининг аҳолиси ва меҳмонларини кириб келаётган*

*2011 йил*

*билан табриклайди!*

*Янги йил барчамизга улкан муваффақиятлар, бахту омад, ажойиб зафарлар келтирсин.*

*Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий тотувлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилайди!*

1271R/60



*Ҳурматли юк жўнатувчи ва қабул қилувчи тадбиркорлар!*

**Темир йўлларда юк ташишлар ҳажмини ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида**

**«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК**

**республиканинг барча вилоятлари ва минтақавий темир йўл узелларида (МТУ) маҳаллий тадбиркорлар, вазирлик ҳамда ҳокимият вакиллари билан учрашувлар ташкиллаштиради:**

**2010 йил 23 декабрь, Қашқадарё вилояти, соат 10.00 да.**
Манзил: Қарши шаҳри, Қарши МТУ мажлислар зали.

**2010 йил 24 декабрь, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, соат 11.00 да.**
Манзил: Тошкент шаҳри, Марказий темир йўлчилар маданият саройи.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК Ахборот хизмати.
Телефон: (8-371) 237-92-86.

1265R/1511



«Сурхондарё электр тармоқлари» ОАЖ

жамоаси

барча касбдошлар ва юртдошларимизни яқинлашиб келаётган

Янги йил

билан самимий қутлайди!

*2011 йилда юртимиз равнақи ҳамда халқимиз фаровонлиги йўлидаги ишларингизда омад ва куч-ғайрат тилаймиз. Хонадонингиздан бахт-саодат, файзу барака аримасин!*

1270R/1410



Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида жойлашган «Бахт фули» МЧЖ банкрот корхонаси

**мол-мулклари (ғишт заводи) сотилмоқда,**

**жумладан:**

- кўчмас мулк: умумий майдони — 7,8 гектар, қурилиш майдони — 2 718,38 кв.м. — **190 млн. сўм**;
- асбоб-ускуналар — **60 млн. сўм**.

Маълумот учун телефонлар:
(+99898) 124-33-55, (+99871) 244-76-47.

1239R/1484


# ОБ-ҲАВО

**(23 декабрь)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 2-7 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 2-7 даража илиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ атрофида, кундузи 3-8 даража илиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Ҳарорат тунда 3-5 даража совуқ, кундузи 3-5 даража илиқ бўлади.

***«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.***

Ўзбекистон давлат санъат институти жамоаси талабалар тураржойи мудири Баҳром Эшметовга акаси
**Бахтиёр ЭШМЕТОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1103. 37513 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.30 Топширилди — 21.20 1 2 3 4 5